Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ИЙЛ ЧИҚИШИ.

№ 3 (5352).

4 ЯНВАРЬ ШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, партиямиз, бутун совет халқи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳам битмас-туганмас ижодий куч-ғайрат билан ишлайдилар, юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатадилар ва коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги ажойиб ғалабаларга эришадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯГА, СОВЕТ ХАЛҚИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Социалистик Ватанимиз янги, 1975 йилга — тўқ-қизинчи беш йилликнинг якунловчи йилига қадам қўйди. КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларни, съезд ишлаб чиққан ички ва ташқи сиёсат йўлини амалга ошириш соҳасида партия билан халқ зўр бериб ишлаган, ижодий куч-ғайрат сарфлаган тўрт йил орқада қолди. Шу йиллар мобайнида Совет Иттифоқи иқтисодий тараққиёт ҳамма соҳаларида олга томон анча катта қадам қўйди, унинг халқаро позициялари, бутун дунёдаги обрў-эътибори ва таъсири мустаҳкамланди дейиш учун бизда ҳамма асослар бор.

Совет кишилари ўтган 1974 йилдаги ўз ишларини ҳам қонуний ифтихор туйғуси билан якунламоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнатчилари оммавий социалистик мусобақани авж олдириб, хўжалик ва маданий қурилишда янги муваффақиятларга эришдилар.

Умуман халқ хўжалигини муттасил ривожлантириш таъминланганлиги, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда олға томон катта қадам қўйилганлиги ўтган тўрт йилнинг бош сиёсий якуни бўлди.

Совет Иттифоқининг иқтисодий қудратини интенсив кучайтириш давом эттирилмоқда. Социалистик индустрия янада юксак погонага кўтарилди. Юзлаб йирик саноат корхоналари ишга туширилди. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқанинг барча тармоқлари янада ривож топди. Меҳнат унумдорлиги ошди, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси кўтарилди, маҳсулотнинг кўпгина замонавий турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Партиянинг аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилганлиги натижасида (бу сиёсатнинг ҳозирги босқичдаги асосларини КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми белгилаб берган эди) қишлоқ хўжалиги социалистик экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига дадил айланиб бормоқда. Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди.

Совет кишилари КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий программанинг самараларини реал сезиб турибдилар. Халқ фаровонлиги даражаси анча ошди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи қўпайди. 30 миллиондан ортиқ кишининг пенсияси, нафақа ва стипендияси кўпайтирилди, оз таъминланган оилаларнинг болалари учун нафақа тўлаш жорий этилди. Уй-жой қурилиши кенг миқёсда давом эттирилди. Беш йиллик бошланганидан бери 45 миллион кишининг уй-жой шароитлари яхшиланди. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгармоқда, мактаблар, касалхоналар, клублар, кинотеатрлар, савдо-сотиқ ва маиший хизмат корхоналари кўпаймоқда. Шуларнинг ҳаммаси партиянинг халқ турмуши моддий ва маънавий даражасини ошириш йўли конкрет, амалий ишларда рўёбга чиқарилаётганлигининг яққол далилидир.

Мамлакатнинг мудофаа қудрати юксак даражада сақланмоқда. Уз бурчига содиқ бўлган шавкатли Қуролли Кучларимиз Ватан чегараларини, халқнинг бунёдкорлик меҳнатини, социализмнинг тарихий ғалабаларини ишончли тарзда қўриқлаб турибдилар.

Советлар мамлакатидаги аҳвол, совет халқи фаровонлигининг ошиб бораётганлиги капиталистик дунёдаги меҳнаткашларнинг аҳволига ва вазиятига мутлақо ўхшамайди. Бизда иқтисодий кризис йўқ, ишсизлик, инфляция йўқ. Биз келажакка комил ишонч билан назар ташлаймиз.

Коммунистик қурилиш планларининг амалга оширилиши тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғланган. Партиямиз билан Совет давлатимиз бутун инсониятнинг манфаатлари ва орзу-умидларига мос келадиган шу олижаноб ва инсонпарвар мақсад йўлида КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга ошириш учун сабот-матонат ва изчиллик билан ҳаракат қилиб келмоқдалар. Совет кишилари осойишта шароитда яшаб, меҳнат қила олишлари учун ҳамма чоралар қўрилмоқда. Қардош социалистик мамлакатлар билан биргаликда халқаро кескинликни янада юмшатиш, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтириш, империалистик агрессия ва реакцияга қарши, ҳамма халқлар учун мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик йўлида барча тараққийпарвар, тинчликсевар кучларни жиплаштириш борасида бир қанча янги тадбирлар амалга оширилди.

Бизнинг барча муваффақиятларимиз — қаҳрамон ишчилар синфи, шонли колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлилари, совет хотин-қизлари, ажойиб ёшларимиз, СССР Иттифоқидаги барча миллат меҳнаткашлари илҳомбахш меҳнатининг натижасидир. Ўтган йили янада кенг қулоч ёзган социалистик мусобақа давомида кўпгина қимматли ташаббуслар юзага келди. Муқобил планлар қабул қилиш ва уларни бажариш ҳаракати кенгайди.

Тўқ-қизинчи беш йиллик зардобларги ва илғор коллективлар шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар — халқимизнинг ифтихори ва шон-шарафи бўлиб, ҳақли равишда умумхалқ иззат-иқроми ва ҳурмат-эҳтиромини қозонгандирлар. Партия билан давлат уларнинг меҳнатини юксак қадрлаб, рағбатлантирмоқдалар. Кўпгина илғорлар ва новаторлар Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Энг яхшиларнинг яхшиларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Бир корхонада узоқ йиллар нуқсонсиз ишлаган ва ишлаб чиқаришда муваффақиятларга эришган ишчи ва колхозчилар Меҳнат шуҳрати ордени билан мукофотланмоқда. Тўқ-қизинчи беш йиллик зардобларнинг намунаси миллион-миллион совет кишиларини меҳнатда янги жасоратларга руҳлантираверсин!

Бизнинг барча муваффақиятларимиз — Коммунистик партиянинг ленинча сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ташкилотчилик ва гоявий-тарбиявий ишининг натижасидир. КПСС XXIV съезда қарорларини амалга ошириш учун курашда совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги янада кўпроқ кучайди, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги мустаҳкамланди. Совет кишилари Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, унинг Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг кўп қиррали ва доиғқадам фаолиятини тўла-тўкис маъқуллаб, актив қўллаб-қувватламоқдалар. Партия билан халқнинг бирлиги — куч-қудратимизнинг манбаи, барча ғалабаларимизнинг негизидир.

Азиз ўртоқлар!

Янги, 1975 йил — КПСС XXIV съезди белгилаб берган тўқ-қизинчи беш йиллик вазифаларини тўла-тўкис бажаришимиз лозим бўлган йилдир. Шу тариқа навбатдаги ўнинчи беш йилликда муваффақиятли ишлаш учун, партиянинг узоқ муддатли социал-иқтисодий сиёсатини юзага чиқариш учун мустаҳкам замин яратилади. Совет кишилари шу мақсадга эришиш учун ҳамма ишни қиладилар.

1975 йил — биз Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллигини нишонлайдиган йил бўлади, бу урушда совет халқи оммавий қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатди, социалистик Ватан ор-номуси, озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, дунё халқларини фашистлар асорати хавфидан омон сақлаб қолди. Улуғ ғалаба юбилейини муносиб кутиб олиш, уни меҳнат фронтида янги муваффақиятлар билан нишонлаш — ҳар бир совет кишисининг ватанпарварлик бурчидир.

Бизнинг бу йилги вазифаларимизни КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси белгилаб берди. 1975 йилги халқ хўжалик планининг бажарилиши мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашда, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини, фан ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишда янги катта қадам қўйилишини билдиради. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши жуда катта иқтисодий, сиёсий ва халқаро аҳамиятга эга бўлади.

Социалистик саноат юксак суръатлар билан ривожлантирилаверади, унинг кўлами янада кўпроқ ортади. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, химия ва энергетиканинг, қўмир, нефть ва газ саноати, енгил ва озиқ-овқат саноатининг юзлаб янги корхоналари ишга туширилади.

Йирик территориал ишлаб-чиқариш комплексларини ривожлантириш, кўпгина муҳим халқ хўжалик объектларини, шу жумладан Кама автомобиль заводи, Байкал—Амур темирйўл магистрали, Чебоксари саноат тракторлари заводи, Усть-Илим ўрмон-саноат комплекси, Ленинград ва Курск атом электр станциялари, Норак ва Саян-Шушенское ГЭСларини қуриш давом эттирилади. Бўларнинг ҳаммаси Сибирь, Узоқ Шарқнинг ва мамлакат бошқа районларининг жуда катта бойликларини халққа тўлароқ хизмат қилдириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги янги босқичга кўтарилади. Дон ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш мўлжалланмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини индустриал негизга изчиллик билан ўтказиш, уни ихтисослаштириш, концентрациялаш ва хўжаликлараро кооперациялаш, кенг миқёсда химиялаш ва мелиорациялаш соҳасида кўп иш қилиниши лозим. РСФСРнинг қора тупроқли бўлмаган зонаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг комплекс программасини амалга ошириш иши қизитиб юборилади.

Меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада яхшилаш борасида муҳим тадбирлар кўзда тутилган. Иш ҳақи, ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар кўпайтирилади, уй-жой қурилишини, шунингдек мактаблар, касалхоналар ва коммунал-маиший объектлар қурилишини кенг кўламда давом эттириш белгиланган. Саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолига сотиш кўпайтирилади. Партия совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш учун бундан буён ҳам ҳамма ишларни қилаверади.

Ўртоқлар!

1975 йилги халқ хўжалик планида орттирилган тажриба ва ҳаёт ўртага қўйган янги проблемалар ҳисобга олинган. Бу планда белгиланган топшириқлари нақадар тиғиз бўлмасин, бизда бу топшириқларни муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун зарур бўлган ҳамма имконият мавжуд. Бизда жуда катта иқтисодий қудрат, ишчилар, колхозчилар ва мутахассисларнинг ажойиб кадрлари, катта илмий-техникавий потенциал, бой табиий ресурслар бор.

Аммо мавжуд камчиликлардан ҳам кўз юмуш ярамайди. Оғир индустрияда ҳам, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ҳам, қурилишда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам камчиликлар бор. Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ўзлаштириш муддатлари баъзан чўзилиб кетмоқда, айрим корхоналар планларни бажармаяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва турлари ҳамиша ҳам ҳозирги замон талабларига мувофиқ, деб бўлмайди.

Ютуқларимизни ҳам, шунингдек пайдо бўлаётган проблемаларни ҳам ўз-ўзини танқид асосида муфассал таҳлил этиш олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг зарур омилидир. Эндиликда катта-катта имкониятларимиздан ҳамма жойда моҳирона фойдаланмоқ, резервларни ишга солмоқ, камчиликларни қатъиян бартараф этмоқ, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинлари ишини яхшиламоқ керак.

КПСС Марказий Комитети ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, олимларни, барча совет кишиларини 1975 йил план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун, беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиришга чақиради. Камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот беринг! — деган шиор мусобақанинг шиори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Айни шу шиор социалистик мусобақа қатнашчиларининг диққат марказида бўлиши, ҳар бир меҳнат коллективи, барча заводлар, фабрикалар, шахталар, руда конлари ва қурилишлар, колхоз ва совхозлар, транспорт ва алоқа, маиший хизмат корхоналари, фан ва маданият муассасалари ишининг мазмуни ва маромини белгилаб туриши лозим.

Ҳозирги босқичда **мамлакат иқтисодий ўсишининг** миқдор кўрсаткичлари билан бирга **сифат кўрсаткичлари** тобора кўпроқ олдинги ўринга чиқариб қўйилмоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, унинг ютуқларини меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишнинг илғор методларини жорий қилиш, корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантиришни планли равишда амалга ошириш, маҳсулотнинг юксак сифати учун оммавий ҳаракатни ривожлантириш — ҳозирги кунларимизнинг энг муҳим талабидир. Сифат учун, самарадорликни ошириш учун кураш фаолиятимизнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олиши керак.

Меҳнат унумдорлигини янада **ошириш** ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шуни айтиш кифоя қиладики, меҳнат унумдорлигини атиги бир процент ошириш саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни йилига сал кам 5 миллиард сўмлик кўпайтириш имконини беради. Бу йил саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг 86 процентини, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириши кўпайтиришнинг, қурилиш ва транспортдаги ишлар ҳажмини оширишнинг асосий қисмини шу омил ҳисобига кўлга киритиш мўлжалланмоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — ҳар бир совет кишисининг, ҳар бир меҳнат коллективининг шон-шараф ишидир.

Иқтисод ва тежамкорлик — социалистик хўжалик юритишнинг таркибий белгисидир. Материал, пул, табиий ресурсларимиздан, ҳар бир меҳнатчининг иш вақтидан омилкорлик билан оқилона фойдаланиш жуда муҳим. Миллион-миллион ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, мамлакатнинг барча меҳнатчилари хом ашё, электр энергия ва материалларни тежашни ўзларининг жонажон иши деб билган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Эндиликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга материал сарфини атиги бир процент камайтириш миллий даромадни қўшимча равишда деярли тўрт миллиард сўм кўпайтириш деган маънони билдиради. Хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши қунт билан курашиш, социалистик мулкни, иқтисодий бойлигимизни авайлаб асраш — ҳар бир совет кишисининг бурчидир.

Мамлакатимизда халқ меҳнати билан жуда катта **ишлаб чиқариш фондлари** вужудга келтирилган. Шу фондлардан рационал фойдаланиш, янги ишга туширилган қувватларни тез ўзлаштириш, асосий ускуналарнинг бекор туришини камайтириш, техникага, ҳар бир станокка, машинага омилкорлик билан муносабатда бўлиш жуда катта иқтисодий самара беради. Саноатдаги фондларнинг самарадорлигини ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўмидан атиги бир тийин ошириш уч миллард сўмлик тежам келтиради.

Тўқ-қизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун курашда меҳнат коллективлари олдида, ҳар бир совет кишиси олдида конкрет вазифалар турибди. Бу вазифалар ўз вақтида, виждонан, ишнинг кўзини билиб ҳал этилиши жуда муҳимдир. Шунга интилмоқ керакки, ҳар бир киши қунт билан ижодий меҳнат қилсин, меҳнат, давлат интизомига риоя этсин, ўзига ва ўз ўртоқларига юксак талабчан бўлсин. Ҳар бир бригада ва цех, ҳар бир корхона ва қурилиш, ҳар бир колхоз ва совхоз пухта ва аҳил ишлаши, топшириқлари, муқобил планлари, социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш йўлида бутун куч-ғайрати ва сабот-матонатини ишга солиши лозим. Бу — бутун ишимиз муваффақиятининг зарур шартидир.

КПСС Марказий Комитети совет жамиятининг етакчи кучи бўлган ишчилар синфига — саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимлари — сизларга мурожаат қилади:

Беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини маҳсулот ҳажми, турлари ва сифати бўйича муддатидан аввал бажариш учун актив суръатда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашингиз; иш вақтидан, асосий-ускуналардан самарали фойдаланиш учун ҳаракат қилингиз, электр энергия, ёқилғи, хом ашё ва материалларни тежаб тергаб сарфлангиз; янги объектларни муддатидан аввал ишга туширингиз, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштирингиз!

КПСС Марказий Комитети колхозчи-деҳқонларга, совхозларнинг ишчиларига,—қишлоқ хўжалиги ходимлари сизларга мурожаат қилади:

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтирингиз; дон, пахта, қанд лавлаги, картошка ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ҳамда ялпи ҳосилини оширингиз; чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўтарингиз, чорва ва паррандаларни кўпайтирингиз; кўпроқ гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштирингиз; маҳсулотнинг сифати учун, ҳар гектар ердан, ҳар бир трактор ва комбайндан, ҳар тонна минерал ўғитдан самарали фойдаланиш учун курашингиз!

КПСС Марказий Комитети халқ зиёлиларига, инженерлар ва техниклар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, фан ва маданият арбоблари, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимлари, сизларга мурожаат қилади:

Бутун куч-ғайратни фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга сарфлангиз; фан билан ишлаб чиқаришнинг боғланишини мустаҳкамлангиз; фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини практикага тезроқ жорий этингиз; совет маданияти, халқ маорифи ва соғлиқни сақлашни янада равнақ топтиришга ҳаракат қилингиз; ўз ижодингиз билан одамларни меҳнатда янги жасоратлар кўрсатишга ва зафарларга эришишга руҳлантирингиз; янги инсонни камол топтиришда, ёшларимизни коммунизм идеаллари, совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми руҳида тарбиялашда бундан буён ҳам партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлингиз!

КПСС Марказий Комитети савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва коммунал хўжалик ходимлари, сизларга мурожаат қилади:

Маиший хизмат соҳасини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз, ишнинг илғор форма ва методларини жорий қилингиз, совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширингиз!

КПСС Марказий Комитети, хотин-қизлар, сизларга мурожаат қилади:

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, онла тўғрисидаги, болалар ҳақидаги оналик меҳрингиз бутун жамиятнинг бениҳоя зур таҳсини ва ҳурматига сазовор бўлган. Янги, 1975 йил бутун планетада Хотин-қизлар йили сифатида нишонланади. Иқтимоий ҳаётда, Ватан бахт-саодати йўлидаги бунёдкорлик меҳнатида янада активроқ қатнашингиз!

КПСС Марказий Комитети, Советлар мамлакатининг йигит ва қизлари, сизларга мурожаат қилади:

Кекса авлодларнинг муносиб ўринбосарлари, улар бошлаган қаҳрамонона ишлар ва анъаналарнинг давомчилари бўлингиз, билимларни қунт билан, сабот билан эгалланг из, беш йилликнинг якунловчи йилини зардоб меҳнат билан нишонлангиз; Коммунистик партия режаларининг муваффақиятли бажарилиши йўлидаги умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшингиз!

КПСС Марказий Комитети партия, совет, хўжалик, касаба союз, комсомол ташкилотларини омма орасидаги ишни доимо яхшилашга социалистик мусобақани ташкил этишни, хўжаликка раҳбарлик методларини такомиллаштиришга, барча ходимларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга **чақиради.** Хўжалик ва давлат аппаратининг ҳамма бўғинларида ленинча иш услубини қунт билан қарор топтириш, маҳкамачиликка, маҳаллийчиликка ва масъулиятсизликка қарши кескин курашиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, камчиликларни дадил очиб ташлаш, муваффақиятли ишлашга халақит бераётган ҳамма иллатларни тугатиш лозим.

Коммунистлар ва комсомолларнинг бурчи — мусобақада пешқадамлик қилишдан, унинг илҳомбахш ва ташкилотчи кучи бўлишдан, ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида юксак онглилик ва ижодий активлик намунасини кўрсатишдан иборат. Улар тўқ-қизинчи беш йилликни муносиб тугаллаш учун курашда меҳнат коллективларининг авангарди бўлиш ролини бундан буён ҳам актив бажаришлари керак.

Ўртоқлар!

Ватанимиз йил сайин тобора бадавлат ва бақувват бўлиб бормоқда, халқнинг турмуши яхшиланмоқда, биз келажакка, улуғ Ленин бизга васият қилиб қолдирган тарихий ишнинг ҳаққонийлигига комил ишонч билан эзгу мақсад—коммунизм сари олға бораверамиз.

КПСС Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, партиямиз, бутун совет халқи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳам битмас-туганмас ижодий куч-ғайрат билан ишлайдилар, юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатадилар ва коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги ажойиб ғалабаларга эришадилар.

Беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун, КПСС XXIV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини баланд кўтарайлик!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЖАНГДА ҚАҲРАМОН, МЕҲНАТДА ИЛҒОР

... Аҳмад ака Тиллабой Рихситиллаев бошлиқ бригада дала шийпонига етиб келганида совхоз бош агрономи Абдураҳмон Гулмирзаев пайкал орэлаб, бригадир билан суҳбатлашарди:

— Дўл ишнинг белига тепди, лекин биз табиат инжиқликларига бўйин эгиб ўтиравершимиз мумкинми?!

— Йўқ, — деди бўлим бошқарувчиси Аҳмад ака Ортиқов — помидорнинг етилганини дўл урибди, майдаларн поя танасида омон қолибди. Парваришни кучайтирсак, етилтириб оламиз, ҳали саратон офтоби чарақлаб турибди.

— Хўш, помидорни эпларми з, карамни-чи? — деди бригадир Тиллабой ака, — Карам барглари илма-тешик бўлиб кетибди-ку!

— Дадил бўл, Тиллабой, — деди Аҳмад ака, — энди бригадирлик қилаётганинг йўқ. Суягинг деҳқончилик билан қотган. Карамни экканимизга 3—4 кун бўлди. Яна, сен айтгандек, ҳамма кўчат нобуд бўлганича йўқ. Барги ўзаги бут. Парвариш билан вояга етказиб оламиз.

Бригадирнинг қўлидаги қоғоз ерга тушди. Шамол уни аста учириб, пайкалга ташлади. Тиллабой уни қайта олишга иймандими ёки бояги ган таъсир қилдими, авторучкасини кителининг чўнтагига солди.

— Акт тузганинг билан қабул қилган планни устимиздан соқит эта олмаймиз. Сўз бердикми, устидан чиқамиз.

Бўлим бошқарувчисининг бу гапи бош агроном Абдураҳмон Гулмирзаевга ҳам маъқул тушди.

Улар бригаданинг карамзорини, кейин бошқа экинлар пайкалини оралаб кетишди.

* * *

Район партия комитетининг топшириғи билан куз ўрталарида яна 2-«Назарбек» совхозининг 3-бўлимига йўлим тушди. 12-бригада дала шийпонида Аҳмад ака ишчилар билан чақчақлашиб турарди.

Қучоқ-қучоқ карамни, шиғилшиғил помидорни кўрсатиб, Аҳмад ака хурсанд бўлди. Бунга ишчиларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнати сингганини айтди. Бўлимда 5 та бригада бўлиб, ҳаммаси дўлдан зарар кўрди. Лекин, бўлим бошқарувчиси Аҳмад ака Ортиқовнинг ишбилармонлиги, деҳқончиликдаги тажрибаси, унинг маслаҳати билан офатнинг олдини олинди...

Мен Аҳмад ака билан немисфашист газандалари устидан ғалаба қозонилган кунининг 25 йиллиги нишонланаётган кунда танишганман. Район ҳарбий комиссариятида жанговар ветеранлар билан ёш авлоднинг учрашуви ўтаётганди. Икки юзи қиш-қизил, сочларига оралаган оқ унга салобат берган, кўксини қатор-қатор медаллар ва «Қизил Юлдуз», 2-даражали «Улуғ Ватан уруши» орденлари безаб турган бу киши ҳақида ёзиш ниятим ўшанда уйғонганди. Аҳмад ака ўн тўққиз ёшида туғилган қишлоғи Назарбекдан жангга отланиб, 1942 йили июнида Воронежни озод этишда иштирок этиб, кейинчалик миномёт расчетига командирлик қилиб, Белоруссия, Украинани душмандан холос қилишда қатнашганини ҳикоя қилиб берганди. Жанговар ишлари учун Аҳмад ака Ортиқов аввал солдат эди, сўнг лейтенантлик унвонини олишга сазовор бўлди. Житомир озод қилинган кун эса Коммунистик партия аъзоси бўлди.

Мана 30 йилдирки, Аҳмад ака коммунист деган шарафли номни ардоқлаб келмоқда. Партия уни қайси ишга юбормасин барча топшириқларни шараф билан бажариб келяпти .1957 йилдан 1971 йилгача «Назарбек» (ҳозирги «Хасково») совхозида бригадир, бўлим бошқарувчиси вазифаларида ишлади. Баракали хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан мукофотланди. Уч йилдан буён эса, 2-«Назарбек» совхозида бўлимга бошқарувчилик қилаётир.

Совхоз директори Холмат Қорахўжаев у ҳақда шундай дейди:

— Аҳмад ака бўлимга раҳбарлик қилгунга қадар ҳар гектар майдондан 18—19 тоннадан помидор, 20 тоннадан карам 9 тоннадан картошка олинган бўлса, 1972 йилда 30 тоннадан помидор, 33 тоннадан карам, 13,5 тоннадан картошка олинди. Юбилей йилида бўлим сабзавоткорлари эришган ютуқлар янада улкан. Коммунист Аҳмад ака Ортиқовнинг ишбилармонлиги туфайли бу бўлим совхозимизда биринчи бўлиб план ҳамда мажбуриятни бажарди. 1524 ўрнига 1800 тонна сабзавот тайёрлаб, Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллигини муносиб кутиб олдилар. Совхозимиз коллективи районда биринчи бўлиб план ва мажбуриятни бажарган бўлса, бунда бўлим сабзавоткорларининг қўшган ҳиссаси каттадир.

Совхоз партия комитетининг секретари Р. Исамуҳамедов:

— Аҳмад ака ўз вазифасини аъло даражада адо этиш билан бирга партиявий топшириқни бажаришга ҳам вақт топади. Ҳали ёдимда, КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинган эди. Бўлимда ишчилар учун иқтисодий ўқиш мактаблари учун пропагандистлар танлашда бироз қийналдик. Шунда Аҳмад ака бир бригадани ўзи пропагандистлик қилаётган группага қўшиб беришимизни илтимос килди ва курсни охиригача олиб борди. Аҳмад ака ўз бўлимида актив сиёсий ахборотчимиз ҳамдир.

Назарбек қишлоқ Советининг раиси Раҳима Жабборова ҳам Аҳмад Ортиқов ҳақида тўлқинланиб гапирди. Қишлоқ Советининг ҳар бир сессияси кун тартибига қўйилган масалани муҳокама қилишда Аҳмад ака депутат сифатида фаол қатнашади. Назарбек қишлоғида янгича маросимлар, тўй-ҳашамлар ўтказилишида у комиссия составида бош-қош бўлади.

— Бўлимимиз деҳқонлари имкониятларини ҳисоблаб чиқишиб, беш йилликнинг якунловчи йилида 2000 тонна сабзавот, 600 тонна картошка ва кўплаб бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга аҳд қилишди. — дейди А. Ортиқов.

А. ҚУРБОНОВ.

Калинин райони.

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводининг илғор токари Иван Дубовой 1952 йилдан бери шу даргоҳда меҳнат қилади. У ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажариш билан бирга ўнлаб ёшларга устоз ҳамдир. Шу кунларда И. Дубовой келгуси йил ҳисобига ишлаяпти.

А. Тўраев фотоси.

ТЕХНИКАГА ИХЛОС

Ғани Исломов техникага ихлос қўйганлардан. Трактор рулини бошқараётганига 14 йилдан ошди.

Ўтган йиллар давомида у колхозда обрў-эътибор қозонди. Тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи йилида унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени безади.

У етакчилик қилган звено азаматлари юбилей йилини ҳам муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун астойдил ишладилар. 47 гектар майдонга чигит экиб, кузда ҳар гектар майдондан салкам 50 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олишга эришдилар.

Саҳий куз бошланиши билан Ғ. Исломов ўзи икки қаторли терим машинасини бошқариб 145 тонна пахта терди. Ҳамкасби Қаршибой Алимов билан ўзаро мусобақалашиб, ундан ғолиб чиқди.

Ишчан звено бошлиғи Исломовни Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз устахонасида ремонт пайтида учратдик.

— Техника ремонтини бошлаб юбордик. Мақсадимиз ремонтни тез ва сифатли ўтказиш. Биз ҳар бир ишни пишиқ ва пухта бажариш учун курашамиз, — дейди у.

Д. ЖУМАНОВ.

КАДРЛАР ЎҚИМОҚДА

Ангрен шаҳрида кадрларнинг сиёсий ва иқтисодий билимларини оширишга катта эътибор берилмоқда. Халқ университетларида, партия сиёсий маорифи шоҳобчаларида машғулотлар мунтазам равишда ўтказиб турилибди.

Сиёсий ва иқтисодий ўқув машғулотлари Уюшқоқлик билан ўтяпти. Шаҳарда 65 бошланғич сиёсий мактаб, 115 марксизм-ленинизм асослари мактаби ишлаб турипти. Уларда 6398 киши ўқимоқда. Шунингдек, янги ўқув йилида марксизм-ленинизм кечки университетига тингловчилар кенг жалб қилинди. Улар орасида турли касб эгалари — ишчилар, инженер-техник ходимлар, врачлар, кончилар, экономистлар бор. Шаҳар бўйича бундай тингловчилар сафида 200 га яқин киши бор.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

Тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи, аниқловчи йили муваффақиятли якунланди. Бунда КПСС XXIV съезди белгилаб берган программанинг ҳаётга татбиқ қилинишига қаратилган умумхалқ сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги яққол намоён бўлди.

Пойтахт область меҳнаткашлари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Бу муваффақиятга сиёсий ахборотчи, агитатор, сиёсий ташкилотчиларимиз кундалик оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш билан муносиб ҳисса қўшишди.

Область меҳнаткашлари бутун совет халқи каби КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1974 йил декабрь Пленумидаги нутқи ҳамда Пленум ҳужжатларини катта қизиқиш билан кутиб олдилар.

Партия ташкилотлари ва агитация ходимларининг вазифаси бу материалларни кенг тушунтириб, 1975 йилнинг дастлабки кунлариданоқ меҳнаткашлар куч-ғайратини янги жасоратларга сафарбар этишдан иборатдир.

Агитация кадрлари учун семинарлар ўтказиш лозим. Бунда қуйидаги материаллардан фойдаланиш тавсия этилади: **«Беш йилликнинг зарбдор вахтасида янги зафарлар сари»** («Ўзбекистон коммунисти» журнали, 12-сон, 27—36 бетлар). **«Агитатор — илғор тажрибани жорий этишнинг пропагандисти ва ташкилотчиси. Ишлаб чиқариш агитациясининг форма ва методлари»** («Ўзбекистон агитатори» журнали, 23-сон, 16—22-бетлар).

Январь ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланиш мумкин:

МАМЛАКАТ ИЧКИ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг материаллари (Марказий, республика ва область газеталарининг 1974 йил 17 ва 18 декабрь сонлари). **СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг материаллари.** (марказий, республика, область, газеталарининг 19—21 декабрь сонлари).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материаллари (республика ва область газеталарининг 25 декабрь сонлари).

Ўзбекистон ССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг материаллари (республика ва область газеталарининг 26—27 декабрь сонлари). **Зарбдор меҳнат** йили («Коммунист» журнали, 17-сон, 3—13-бетлар).

СССР да паспорт системасини янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида («Правда» газетасининг 25 декабрь ҳамда республика ва область газеталарининг сонлари).

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ. Бригада пудрати — коллектив масъулияти. («Агитатор» журнали, 23-сон, 10—12-бетлар).

Коммунистлар ва ишлаб чиқариш экономикаси («Партия турмуши» журнали, 12-сон, 21—26-бетлар).

СИЁСИЙ АХБОРОТЧИ, АГИТАТОР, СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЧИЛАРГА ЁРДАМ

Илғорлар тажрибаси — бутун коллективларга («Экономика и жизнь» журнали, 11-сон, 2—8-бетлар).

Қурилишни жадаллаштириш йўллари («Вопроси экономики», журнали, 11-сон, 15—24-бетлар).

Маҳаллий саноат — аҳолига («Агитатор» журнали, 23-сон, 19—20-бетлар).

Агросаноат комплекслари: муваффақиятлар ва ҳал этилмаган проблемалар («Партия турмуши» журнали, 12-сон, 17—21-бетлар). **Аграр-саноат кооперациялаш ва унинг самарадорлиги** («Узбекистон агитатори» журнали, 23-сон, 26—28-бетлар).

Янги сабзавотларни йил давомида етиштирайлик («Экономика и жизнь» журнали, 11-сон, 83—86-бетлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ. Жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш экономикаси («Вопроси экономики» журнали 11-сон, 55—67-бетлар).

Ўрта Осиё ёқилги-энергетика балансн ва энергия қувватлари ишлаб чиқаришни жойлаштириш проблемаси («Ўзбекистон коммунисти» журнали, 12-сон, 53—55-бетлар).

Партия ташкилотлари ва мураббийлик («Партийная жизнь» журнали, 24—сон, 17—24-бетлар).

Халқ мулкини эҳтиёт қилайлик ва кўпайтирайлик («Агитатор» журнали, 23-сон, 13—15-бетлар ва «Ўзбекистон агитатори» журнали, 23-сон, 31—36-бетлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ. Социализм ва тинчлик — бизнинг байроғимиз («Партийная жизнь» журнали, 24-сон, 3—7-бетлар).

Самарали суҳбат («Коммунист» журнали, 17-сон, 84—91-бетлар).

Инсониятнинг туб манфаатлари учун курашда («Международная жизнь» журнали, 12-сон, 3—8-бетлар).

Қардошларча идеология ҳамкорлиги («Ўзбекистон агитатори» журнали, 23-сон, 3—9-бетлар).

Социализм мамлакатлари ва Европа хавфсизлиги («Международная жизнь» журнали, 12-сон, 9—15-бетлар).

Капитализм дунёсида энергетика кризиси («Агитатор» журнали, 23-сон, 16—18 бетлар).

Ядро қуроли синовларини батамом тўхтатиш учун («Международная жизнь» журнали, 12-сон, 45—55-бетлар).

Капитализм дунёсида миллий масаланинг кескинлашуви ва революцион жараён («Узбекистон коммунисти» журнали, 12-сон, 71—79-бетлар).

Ишчилар синфи бирлиги манфаатлари йўлида («Агитатор» журнали, 23-сон, 21—23-бетлар).

Маочиларнинг коммунистик партия марксча-ленинча асосларини ревизия қилиши («Партийная жизнь журнали, 24-сон, 60—68-бетлар).

ЭСЛАТМА: Суҳбатларда шунингдек, вақтли матбуотдан маҳаллий факт ва мисоллардан фойдаланинг.

МЕТАЛЛУРГЛАР ВАХТАСИ

Бекобод металлургари беш йилликнинг якунловчи йилини яхши бошладилар. Мастер Николай Петров бошлиқ прокатчилар сменаси бир соатда нормадаги 42 тонна ўрнига 50 тонна арматура прокат қилиб, белгиланган графикдан бир соат ўзиб кетди ва топшириққа қўшимча суръатда 50 тонна прокат берди. Шамси Нуриддинов бригадаси ана шу коллективдан «эстафета»ни қабул қилиб, унинг ютуғидан илғорлаб кетди: нормадан ташқари 60 тонна прокат ишлаб чиқарилди.

Бутун мартен цехи коллективи пўлат эритувчилар орасида ўзини кўрсатди: пландан ташқари 30 тонна металл эритилди. Коммунист Виталий Салтиков металлни 6 соату 45 минутда ёки белгиланган вақтдан 35 минут тез эритиб, нормада белгиланганидан 8 тонна кўп металл ишлаб чиқарди. Унинг ҳамкасби Петр Гвоздянский ўз ўртоғидан ўзиб кетди: у Салтиковдан бир тонна кўп металл эритди. Пўлат эритувчи Мамажон Ёдгоров янги йилнинг биринчи иш кунида ҳаммадан тез ишлаб, металлни олти ярим соатда эритди.

В. И. Ленин номидаги Узбекистон металлургия заводининг коллективи мукобил план ҳисобига ҳозирдаёқ 140 тоннадан кўпроқ пўлат ва прокат тайёрлади. (ЎзТАГ).

Қуйи Чирчиқ районидаги «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг маданият уйида мунтазам равишда кинофильмлар намойиш қилиб турилади. Киномеханик Илёс Юрдамов бирнеча йиллардан бери совхоз аҳолисига маданий хизмат кўрсатиб келмоқда. У зиммадаги беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажариб, ҳозирги келгуси беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаяпти. Суратда: киномеханик И. Юрдамов иш устида.

Б. Анорқулов фотоси.

СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЛАНИГА МУВОФИК

«Чирчиксельмаш» заводи коллективини техникавий ва социал ривожлантириш планини бажариш учун ўтган 1974 йили бир ярим миллион сўм пул сарфланди. Иш шароитн анча яхшиланди: чўян деталларни ишлайдиган станокларга чангни тортиб оладиган аппаратлар монтаж қилинди, кўпгина транспорт операциялари механизациялаштирилди, вентиляциялар такомиллаштирилди, сув сочадиган қурилмалар ўрнатилди. Меҳнат маданиятининг, механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасининг ўсиши беш йиллик бошидан бери меҳнат унумдорлигини 22 процент ошириш имконини берди. Бундан буён ҳам юксалиш кўзда тутилади: ишчилардан уч юз киши ўрта ва олий ўқув юртларида таълим олмоқда, бир мингдан кўпроқ киши беш йиллик мобайнида турли курсларда ўз маҳоратини оширди.

(ЎзТАГ).

ИШГА ТУШИРИЛДИ

ҒАЗАЛКЕНТ. Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» номли сабзавотчилик колхозида насос станциясининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Ишга туширилган насос станциясининг иккита гектар агрегати Бўзсувдан сув олиб, угом тизма тоғлари этакларидаги қўриқ ерларни суғориш учун металл қувурлар орқали сувни 56 метр баландликка чиқариб беради. «Ташводстрой» трестига қарашли тўртинчи механизациялаштирилган кўчма колоннанинг мелиораторлари кўкламда сабзавот экиш учун 224 гектар ерни тайёрлаб бердилар. Далаларга сув бетон ўзандан ва ер остига ётқизилган суғориш шоҳобчаси орқали олиб келинди.

Гидромелиораторлар станциясининг иккинчи навбатини қуришга киришдилар. Кузга қадар хўжаликка янгидан ўзлаштирилган яна 536 гектар майдон топширилади. (ЎзТАГ).

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ИЖОДКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

...Кўргазмага қўйилган экспонатлар мавзуи ва мазмун жиҳатдан бир-биридан ажралиб турарди. Томошабинлар уларни қизиқиш билан кўздан кечиришар, фаннинг у ёки бу соҳасидаги янгиликдан воқиф бўлишарди.

«Ёшлик — илмий ижодкорлик, деб шуни айтадилар-да! Изланувчан ёш олимларнинг экспозицияга қўйган ижод намуналари уларни келгусида етук тадқиқотчилар бўлиб етишишларидан далолат бериб турибди. Умидли мутахассисларга ижодий баркамоллик тилайман...». В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг кафедра мудири, профессор Х. Раҳимов кўргазма дафтарига шундай деб ёзиб қолдирди. Бошқа атоқли олим ва мутахассисларнинг шу мазмундаги илиқ сўзларини ҳам ўқиш мумкин эди.

Ўзбекистон ССГ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида яқинда намойиш қилинган бу экспозиция ўз номи билан «Ёшларнинг илмий-техника ижодкорлиги» деб аталганди. Чиндан ҳам республикамизда ёшлар ўртасида илмий ижодкорлик кенг қанот ёзган. Илм-фан даргоҳлари изланувчан ёш ходимлар учун маҳорат ўчоқларига айланиб қолганлиги ҳаммага аён. Статистика маълумотларига мурожаат этадиган бўлсак, Узбекистон ССР Фанлар академияси институтлари, республикадаги бошқа тадқиқот масканларида ишлаб турган ходимларнинг ярмидан ортиғи 25—34 ёшгача бўлган йигит-қизлар эканлиги маълум бўлади.

Энди, мана бу рақамларнинг маъзини чақиб кўринг-а! Ўтган тўрт йил ичида ўн мингдан ортиқ ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари тушди. Буларнинг ҳаммаси ёшларнинг изланишлари! Бу ютуқларнинг аксарияти ишлаб чиқаришда ўзига яшил йўл топди, улардан келган иқтисодий фойда 20,7 миллион сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги «Ёш олимлар клуби»да бўлсангиз, сизга илм-фан даргоҳларига дадил кириб келган йигит-қизларнинг яна бошқа қувончли ютуқлари ҳақида ҳам фахрланиб ҳикоя қилиб беришади.

— Ҳар қандай илмий изланиш, янги кашфиёт жорий этилган тақдирдагина тагин ҳам аҳамиятли бўлади,— дейди республика ёш олимлар кенгашининг аъзоси, кимё фанлари кандидати С. Тўхтаев. — Шунинг учун бизда «Ҳар бир илмий изланиш янгилиги — ишлаб чиқаришга!» деган шиорга амал қилинаётир. «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, маҳорат ва изланиши — беш йилликка» ҳаракатига қўшилган илмий ижодкорларнинг бугунги ютуғи дилларни хушнуд қилади.

Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги илмий-текшириш институти ёш мутахассислар кенгаши ижодий ташаббуси кенг ёйиш йўлида яхши тадбирларни белгилади. Ёш олимларнинг корхона ва муассасалар билан алоқаси ҳам мустаҳкамланди. Бир группа ёш тадқиқотчилар яратган шпинделлар пахта териш машиналарн иш унумини анча оширди. Пахта териш машиналари осма механизмларини электрон ҳисоблаш йўли билан тадқиқ қилишда ҳам ёшларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Ҳозир Узбекистон ССР чорвачилик институтининг механизация бўлимида жамоатчилик конструкторлик бюроси ишлаб турипти. Унинг атрофига уюшган ходимларнинг аксарияти ёшлар. Бу ўринда Б. Раҳматуллаев, Н. Насриддинова, Н. Пармонов ва бошқа изланувчан йигит-қизларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Илмий муассасадаги лаборатория ва тажриба участкаларида юзага келган ихтиролардан иккитаси муносиб баҳоланди ва уларга авторлик гувоҳномаси берилди.

Чорва молларини микроэлементларга бой озуқалар билан боқишнинг афзалликлари ҳам аниқланди. Бу иш ядро физикаси институтининг активацион анализ лабораторияси билан ҳамкорликда олиб борилди.

Илмий ижодкорлик бидан шуғулланаётган ёшларни тарбиялашда, мустақил изланиш «сир-асрор»ларидан баҳраманд қилишда таниқли олимларнинг мўносиб улушлари бор. Устозлар меҳридан қонган шогирдлар ўз навбатида яхши ташаббус кўрсатиб, фан ютуқларини тарғибот этиш ҳаракатини бошлаб бердилар.

Фан-техника тараққиёти учун кураш билан боғлиқ комплекс масалаларга оталиқ қилиш борасида дастлабки тажрибалар тўпланди. Жойларда кўрик-конкурслар ўтказиш, айрим тадқиқотларни жамоатчилик асосида бажариш кабилар шулар жумласидандир. Ўз вазифасига жонбозлик билан ёндошаётган ходимлардан бир неча киши ёшларнинг илмий-техника ижодкорлиги Бутуниттифоқ кўргазмаси томонидан муносиб тақдирланди.

Институтлар, лабораториялар ҳузурида ташкил этилган ишлаб чиқаришга жорий қилиш бюролари аъзолари эса СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси медалларини олишга муваффақ бўлдилар. Пахта териш машиналарида ишлатиладиган теэлатгич фрезерлари яратишда қатнашган ёш олим ва инженерлар «Ташсельмаш» заводи коллективининг ҳурматини қозондилар.

Ижодкор ёшлар билан ишлаш муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ижодкор» ёшларга кўпроқ эътибор берайлик» деб чиқарган қарори тадқиқот ўчоқлари фаолиятлари учун ҳам дастур бўлиб қолди. Ёшлар ўртасида кенг илмий-ижодий муҳитни вужудга келтириш, тадқиқот ва кузатишлар олиб бориш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳар бир институт, лойиҳалаш-конструкторлик муассасаси, олий ўқув юртн партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг асосий бурчидир.

Республика ёш олимлар клуби правленнеси, ёш мутахассислар кенгашлари истеъдодли фан аҳллари билан иш олиб боришнинг форма ва методларини такомиллаштириб, толмас тадқиқотчилар сонини кўпайтиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

А. АЛИЕВ,
Узбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий мухбири.

РАҲМАТ, ШИФОКОРЛАР

...ИП-ПИГИРУВ ФАБРИКАСИНИНГ ишчиси Прусникович ярим тунда касалхонага келтиришди. Беморнинг юрак уруши оғирлашган, тана ҳарорати эса паст. бунинг устига у аллаканимадар деб алаҳсирарди.

Бу ҳолатни кўрган ҳамшира қизнинг ранги қув ўчиб, навбатчи врачга нажот сўрагандек термилиб қаради:

— Бемор юрак урушининг функцияси ўзгарган, — тушунтирди врач уни синчиклаб текширгач. — Хавотирланадиган жойи йўқ. Фақат тезда олди олиниса бас. Шприц тайёрланг...

Республикада хизмат кўрсатган врач Банат Абдуллаевна бутун билимини, бой тажрибасини ишга солиб, беморни даволашга киришди. Тажрибали врач бу гал ҳам ўз одатини тарк этмади. У дастлабки кунларда бемор ёнидан жилмади, кечаларни бедор ўтказди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида, дори-дармон ёрдами ва шифокор паноҳида аёл ўрнидан туриб юра бошлади. Бундан кўнгли тасалли топган врач мамнуният билан палатадан чиқди.

Қирқ йилдирки, тажрибакор врач Б. А. Еналиева эл соғлиги, халқимиз саломатлиги йўлида бутун қалб қўри билан сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Бемор ёнида бўлиб куну-тун мижжа қоқмай чиққан вақтлар опа ҳаётида жуда кўп бўлган.

...Улуғ Ватан урушининг оловли йиллари. Банат Абдуллаевна Украина, Белоруссия, Польшанинг ўнлаб шаҳарларини душман чангалидан озод этишда қатнашиб, Берлин шаҳрига ғалаба байроғини олиб кирди. Душман билан бўлган аёвсиз курашларда оғир яраланган жангчиларга ҳаёт бахш этди. Жанг майдонидаги улкан жасорати, кўрсатган қаҳрамонлиги учун Б. Еналиеванинг кўксини «Қизил Юлдуз» ордени, қатор медаллар безади.

Дарҳақиқат, Тошкент тўқимачиларининг сиҳат-саломатлигидан доимо хабардор бўлиб турган, совет шифокори деган юксак номни ардоқлаб келаётган коммунист-врач Банат Абдуллаевна ва унинг ҳамкасблари тўғрисида завқ-шавқ билан гапирса арзийди. Мана, уларнинг айримлари билан танишинг.

Республикада хизмат кўрсатган врач, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Элизавета Григорьевна Жильцова, врач-ординатор Галина Назарова, кардиолог Лидия Матвеева, катта ҳамшира, Уруш қатнашчиси коммунист Мария Григорьевна Хуснутдиновалар ҳам ҳозирги кунда ўз тақдирларини комбинат шифохонаси билан боғлашган ажойиб шифокорлардир. Улар ишлаётган 1-терапия бўлимида беморларни ҳозирги замон медицинаси ютуқлари асосида юрак, ўпка йўллари, ошқозон-ичак касалликлари даволанади. Электрокардиограмма, рентген, физиотерапия кабинетлари замонавий медицина асбоб-ускуналари билан таъминланган. Тошкент Медицина институтининг Рафаэл Кацунович раҳбарлигидаги госпитал терапияси кафедраси базаси ҳам худди шу ерда жойлашган. Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ишда доимо муваффақият келтирмоқда. Кафедра ходимлари беморларни кўнгилдагидек даволашда шифокорларга ёрдам кўрсатмоқдалар.

— Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ольга Никитична Павлова шифохонамизда кўп йиллардан бери илмий консультант бўлиб ишлайди, — дейди 1-терапия бўлими бошлиғи Изабелла Владимировна Марселина. Оғир аҳволда келтирилган бемор дастлаб ана шу тажрибали докторнинг кўригидан ўтади. Ольга Никитична беморни чуқур текшириб, унга аниқ диагноз қўйиб бергач, даволаш бошланади.

Профессор Хуршида Янбоева, медицина фанлари кандидати Мария Филипповна Чацкис ҳам 1-терапия бўлимида даволанаётган беморларга мададкор бўлишмоқда.

...Кечки пайт. Кутилмаганда навбатчи врач хонасидаги телефон жиринглаб қолди. Таниш овоз. Райондан қўнғироқ қилишяпти. Терапия оталиғидаги касалхона бош врачи яна ёрдам сўрабди. Сирдарё область Гулистон районидан Ашуров деган колхозчи оғир хасталанган. Зудлик билан ёрдам керак. Врач Б. А. Еналиева ҳеч ўйлаб ўтирмай ҳамшира қиз билан йўлга отланди. Машина ярим кечада Гулистонга, район касалхонаси олдига келиб тўхтади.

Инсон ҳаёти учун ўлим билан юзма-юз кураш борди. Юрак ҳаракатга тушиб, бемор кўзлари аста очилганида ташқарида мунаввар тонг ёриша бошлаган эди. Врач енгил нафас олди:

— Ҳайрият, вақтида етиб келибмиз. Инсон ҳаёти сақлаб қолинди.

Сирдарё областининг Гулистон райони бизнинг ҳикоя қилаётган терапия шифокорлари оталиғидадир. Улар зарур бўлганда қўшни областга ёрдамга отланишади.

«Шифокор — бу, улуғ ва шарафли ном, — деб ёзибди бемор Прусникова таклифлар дафтарига, — улар мени иккинчи бор дунёга келтиришди. Бу ерда сўзи билан иши бир инсонпарвар, оқ кўнгилли кишилар ишлашар экан. Умрларингиз боқий, иқболингиз баланд бўлсин, оқ халатли кишишилар».

Биз ҳам бу аёлнинг қалбдан битилган самимий сўзларига тилакдошмиз.

И. ЮСУПОВ,
О. ҚОБИЛЖОНОВ.

СУРАТДА: терапия бўлими шифокорларидан (чапдан ўнгга): врачлар Б. А. Еналиева, Э. Г. Жильцова, М. Раҳимжонова, 1-терапия бошлиғи И. В. Марселина, врач М. Точика.

БИР КОЛХОЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Бир неча йилдан бери Чирчиқ шаҳар электрохимия комбинати Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозга оталиқ ёрдами бериб келади. Хўжаликда қурилиш ишларини тезлаштириш, техника ёрдами кўрсатиш, қишлоқ хўжалик юкларини ташиб келтиришда комбинат хизматлари катта.

Яқинда комбинатнинг маъмурияти яна бир ташаббус кўрсатди. Колхозчи сувчилардан йигирма киши комбинат дам олиш уйида бир ой давомида ҳордиқ чиқарди. Хусан Тешабоев, Собир Жўраев, Акром Сайдалиев, Мавлуд Кукарадзе каби трактор чи, бригада бошлиқлари имтиёзли путёвкалар билан Чортоқ, Шимолий Кавказдаги санаторийларда бўлдилар.

●

Колхоз маркази йилдан-йилга обод бўлиб, жамол очмоқда. Эски уйлар ўрнида янги турар-жой бинолари қад кўтараяпти. Шу йилнинг ўзида ҳашар йўли билан ўндан ортиқ турар-жой бинолари қуриб битказилди. Қўшқаватли бинода колхознинг маъмурий-хўжалик идоралари жойлаштирилди. Бу ерда кутубхона, мажлис залари ҳам мавжуд. Бинонинг атрофи тартибга келтирилиб, гулзорга айлантирилаётир.

●

Евқочди, Бешбой қишлоқларининг аҳолиси қиш ойларида сувсизликдан қийналарди. Энди бу муаммо ҳал бўлди. 15 километрга водопровод қувурлари ётқизилиб, аҳоли ичимлик сув билан таъминланди. Яқин вақт ичида колхоз қишлоқларининг ҳаммасига водопровод ўтказилади.

●

Колхозда пахтачилик ва чорвачилик ривожланяпти. Утган йили 1335 гектар ердан 24 ўрнига 31 центнердан пахта топширилганди. Бу йил гектар бошига олинган ҳосил 35 центнерданга тўғри келди.

Зафарли йилда чорвадорлар ҳам қатор ютуқларни қўлга киритишди. Моллар маҳсулдорлиги оширилди. Сут топшириш мажбуриятя ошириб бажарилди. Гўштга сотилган қорамоллар тириқ вазни ўртача 300 килограммдан ошди. Қорамолнинг 95 процента юқори семизликда қабул қилинди. Яқинда 200 бош қорамолга мўлжалланган бино фойдаланишга топширилди. Типовой лойиҳа асосида қурилган бу молхона комплекс механизациялашди.

М. ҒОЗИЕВ.

ПЎЛАТ МАГИСТРАЛ ЎТМИШДА ВА БУГУН

Мен яхши эслайман: кам тараққий этган, унинг устига гражданлар урушида вайрон бўлган темирйўл ёш Совет республикаси халқ хўжалиги юкларини ҳамда йўловчиларни ташиш эҳтиёжларига мутлақо жавоб беролмас эди.

Бу ҳол табиий, чунки ўша пайтда Ўрта Осиё темирйўли Тошкент бўлими устаханалари (ҳозирги Октябрь революцияси номли завод бир ойда 3—5 донагина кам қувватли паровозларни ремонтдан чиқарар эди. Бу паровозлар 500 тонна оғирликдаги юк поездларини таший оларди холос. Юк поездларининг тезлиги соатига 30—40 километрни ташкил этарди. Суткасига 6 жуфт пассажир поезди Тошкентга келиб-кетарди. Уларда 3 минг йўловчи бўларди. Вагонларда йўловчилар учун қулайликлар йўқ бўлиб, ҳар бир киши ўрин-кўрпасини уйидан олиб келарди. Вагонларда хонадонларга ўрнатиладиган одатдаги чўян печка бўларди. Ёз кунлари ниҳоятда иссиқ ва дим вагонлар станцияларда суткалаб туриб қоларди. Бунга сабаблар эса жуда кўп: ҳар бир 50—70 километрдан кейин паровозга сув қуйиларди, 150—200 километрдан сўнг паровоз алмаштирилар эди.

Кўп темирйўлчилар бир томонлама бўлиб, ҳаракатда жуда катта қийинчилик туғдирарди: рўпарадаги поезд ўтиб кетгунча кутиб туришга тўғри келарди. Йўлларнинг мустаҳкам эмаслиги поезд тезлигини оширишга ҳалақит берарди. Тошкентдан Москвага тезюрар поезд бир ҳафтада етарди. Юк поездларида автоматик тормозлар йўқ бўлиб, уларда 6—12 тормозчи-кондукторлар хизмат қилишарди. Агар составни тўхтатиш лозим бўлиб қолса, кондуктор ўз тормозидаги арқонни тортади, арқон эса ҳуштак ручкасини босади. Шунда машинистга ҳуштак товуши етиб бориб, у тўхтатиш чораларини кўрарди.

Бир воқеани ҳалигача яхши эслайман. 1928 йилда мен биринчи марта машинист ёрдамчиси бўлиб, Тошкент—Сирдарё участкасида йўлга чиқдим. Сирдарё кўпригига етай деганда битта паровозни составдан уздик, иккинчи паровоз поездни кўприкдан соатига 15 километр тезликда олиб ўтди. Кейин яна иккинчи паровозни уладик ва йўлимизда давом этдик.

Шунингдек, яна бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Тошкент станциясидан Сирдарё станциясига қатнайдиган пассажир поездида кетаётган эдик. Чиноз станциясига кириб келаётганимизда биз машинист Васильев билан поезд кутиб турган жуда кўп йўловчиларни кўрдик. Улар қандайдир диний маросимдан қайтишаётган эди. Биз паровозимиз бунча одамни торта олмаслигидан чўчидик. Худди шундай бўлиб чиқди. Йўлкаларни ҳам тўлдирган кўп сонли йўловчиларни тортишга биз бошқараётган паровоз ожизлик қилди. Йўловчилар вагонларнинг томларига ҳам чиқиб етишган эди. Кам қувватли «Д—40» паровози одамлар билан тўла 5 вагонни жойидан қўзғатолмади. Шунда мен вагонлар бўйлаб юриб, биз айланма тепаликдан чиқиб олгунимизча йўловчиларнинг ярми поезддан тушиб туришларини илтимос қилдим. Шундай бўлди ҳам. Бир километрча масофа юргач, текис йўлга чиқиб олдик. Кейин одамлар ўз жойларини эгаллашди. Тошкентга анча кечикиб келдик...

Темир йўлнинг аҳволи яқин ўтмишда мана шундай эди.

Эндиликда темирйўл мисли кўрилмаган юксак даражага эришди. Ҳозир мамлакат халқ хўжалиги юкларининг 80 процента мана шу транспорт воситасида жойларга етказиб берилмоқда. Бир суткада Ватанимизнинг барча темирйўлида 3 мингта пассажир поезди ҳаракат қилиб, уларда 3 миллиондан ортиқ йўловчи манзилларига элтиб қўйилмоқда. Пўлат магистралларда 15 мингта юк поезди ҳар суткада 60 миллион тонна юк ташияпти.

Ҳозирги кунларда бизнинг Тошкент станциямиздан 70 жуфт пассажир поезди ва 40 та шаҳар атрофига қатновчи поездлар келиб кетади, уларда 50 минг йўловчига хизмат кўрсатилмоқда.

Йўловчилар поездлардаги маданий хизматдан мамнун. Вагонлар шинам ва ёруғ, мўътадил ҳаво билан таъминланган, радио бор. Составлар—соатига 100 километр тезликда ҳаракат қила олади. Темирйўлларнинг замонавий асосда қурилганлиги поездларнинг фақат светофорнинг яшил чироғи остидан ўтишига, йўлларда кам тўхташига сабаб бўлмоқда. Энди тепловозларга минглаб километр масофа босгунча сув ва ёқилғи керак бўлмайди. Юк поездлари 3600 тонна юкни тортганича соатига 80 километр тезликда юра олади. Улар Сирдарё кўпригидан соатига 15 эмас, балки 70 километр тезлик билан ўтмоқда. Илгариги ёғоч шпалларнинг ярақлилик муддати уч йил бўлса, ҳозирги темир бетон шпаллар бирнеча ўн йилларга чидайди. Ҳозирги даврга келиб бўрон, момақалдироқ қаттиқ жала пайтларида поездлар йўлни «тўсадиган» семафорлар йўқ. Поездларимиз учун бўрон ҳам, кучли ёғингарчилик ҳам ҳеч қандай ҳавф туғдира олмайди.

Ҳарбир темирйўл посёлкасида, станцияда магазин ва бошқа маиший хизмат шохобчалари мавжуд. Шунингдек, энди тормозчиларга ҳам эҳтиёж қолмади. 700 метр узунликдаги юк поездларига фақат икки киши хизмат кўрсатади — машинист ва унинг ёрдамчиси. Вагонларни мойловчи касбига ҳам ҳожат қолмади — деярли барча ҳаракат состави роликли подшипниклар билан жиҳозланган. Тезюрар поезд Тошкентдан Москвага 54 соат ичида етиб боряпти. Унинг оғирлиги 1000 тонна бўлиб, 18 та комфортабелли вагон дан иборат.

Кейинги йилларда темирйўлда рўй берган яна бир катта янгилик электр поезди бўлди. Бу темирйўл транспорти йўловчиларни Тошкентдан Янгийўлга 30—38 минутда етказиб қўйяпти. Сирдарёгача эса 1 соату 35 минут вақт кетади холос. Юбилей йилининг охирига бориб, электр поездлари Хўжакент станциясига ҳам катнай бошлайди. Шу билан бирга мутахассис кадрлар тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Болалар темирйўли ва 31-ҳунар-техника билим юртида малакали кадрлар етишиб чиқяпти. Билим юртининг кекса даргоҳидан ҳозиргача 15 минг ёш мутахассис етишиб чиқди.

Шундай, Ўрта Осиё темирйўли унинг асосий тармоқларидан бири бўлган Тошкент бўлинмаси советлар даврида шундай юксак тараққиёт йўлини босиб ўтди.

А. КОМИССАРОВ,
Темирйўл билим юртининг 1921 йилдаги биринчи ўқувчиси.

ХАРИДОРЛАР МИННАТДОР

«Мен 75-магазиннинг доимий харидориман. Бу ердан ҳамиша истаган нарсамни топа оламан. Сотувчиларнинг самимияти ва хушмуомалалигини айтмайсизми?

Айниқса, И. Масалимов ва сут маҳсулотлари бўлимида ишловчи Л. Манжукованинг муомаласидан хурсандман. Мен уларга миннатдорчилигимни газета орқали билдириш ниятндаман.

Э. СИМОНОВИЧ,

соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли 4-поликлиника ходими».

Хатда кўрсатилган адрес бўйича бориб, мазкур магазиннинг ишлари билан танишдик.

— Бизнинг магазин Куйбишев райони «пишчеторг»ига қарайди. Мана, янги йилнинг дастлабки кунлари бошланди. Эски йилга якун ясаяпмиз.— деди магазин директори Содиқ Исҳоқов,— Утган йил терим мавсумида сотувчиларимиз далала шунқорларига савдо хизмати кўрсатишди. Улар Сирдарё областининг Ильич районидаги Волков номли совхозда пахтакорлар ва ҳашарчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туришди. Коллективимиз совхоз маъмурияти ҳамда республика савдо министрлигининг раҳматномаларини олишга муяссар бўлди.

Ўтган йилги давлат плани 20 декабрда бажарилиб, 3 миллион 760 минг сўмлик савдо қилинди. Йил охиригача эса пландан ташқари яна 120 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Касбимизнинг оғир-енгили ҳар бир харидорга маълум.

...Худди шундай. Директорнинг гапида жон бор. Бир сотувчи кунига минглаб кишига хизмат қилади, минглаб килограмм юк кўтаради, пештахта ортида километрлаб йўл босади. Булардан ташқари, сотувчи учун жисмоний меҳнатга нисбатан анча оғир бўлган иккинчи бир нарса борки, бу хуш муомаликдир. Магазинга бир марта қадам ранжида қилган кишига ширин гапирсангиз, маданиятли муносабатда бўлсангиз, гарчи у истаган нарсасини харид қилолмаган бўлсада, иккинчи марта тортинмай, иккиланмай келаверади. Агар ўша одамнинг сўраган нарсасини паланартиш ўраб, қўлига тутқазиб, дағал муомала қилинса, у кейинги сафар узоқроқ бўлса ҳам бошқа магазинга қатнайди. Шуни ҳисобга олиб, сотувчилар ўртасида муомала, савдо маданияти хусусида мунтазам суҳбат ва тарбиявий ишлар олиб борилади.

Республикамиз юбилейи арафасида партия ва ҳукуматимиз савдо соҳасидаги йигирма йиллик фаолиятини муносиб баҳолаб, магазин директори С. Исҳоқовни «Совет савдоси аълочиси» нишони билан тақдирлади.

Магазин доим гавжум. Ун, ғўрунч, сариёғ, турли хил балиқ ва колбаса маҳсулотдари ҳамда кондитер маҳсулотлари каби кундалик харид моллари-нинг кети узилмайди. Л. Манжукова, М. Азимов, Н. Маҳнамов, М. Мирҳайдарова каби хушмуомала сотувчилар харидорлар хизматида. Харидорлар уларнинг намунали хизматидан миннатдор.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ТАШАККУР

ИСЛОМОБОД, 2 январь. (ТАСС). Покистон ишлаб чиқариш, саноат ва шаҳарларни планлаштириш министри Рафи Раза металлургия саноатини ривожлантириш соҳасидаги ёрдами учун Совет Иттифоқига самимий ташаккур билдирди. Министр Москва сафаридан қайтиб келганидан кейин бу ерда сўзлаган нутқида Совет-лар мамлакати Покистон металлургия саноати учун керакли 1.200 миллий кадр-инженер ва техникларга таълим беришда Покистонга кўмаклашади, деб таъкидлади.

1980 йилга бориб, Карочи яқинида йилига бир миллион тоннадан ортиқ пўлат ишлаб чиқариладиган металлургия заводи қурилишини тугаллаш планлаштирилмоқда. Министрнинг айтишича, бу заводда 40 минг киши ишлайди. Корхона билан бир қаторда йилига уч миллион тоннадан ортиқ юк қабул қилинадиган ва жўнатиладиган замонавий денгиз порти барпо этилади.

Совет Иттифоқининг ёрдами билан қуриладиган металлургия заводи, деб таъкидлади Рафи Раза, Покистон саноатини ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беради.

МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

КАРАКАС, 2 январь. (ТАСС). Венесуэла президенти Карлом Андрес Перес янги йил муносабати билан мамлакатга йўллаган мактубида Куба билан дипломатия муносабатларининг тикланганлиги ўтган йили мамлакатнинг ташқи сиёсий ҳаётида энг муҳим воқеалардан бири бўлди, деб таъкидлади. У Венесуэла барча мамлакатлар билан муносабатларни яхшилашга ва ҳамжиҳатликка интилаётганлигини уқтириб ўтди.

Карлос Андрес Перес мамлакатнинг ички проблемаларига тўхталиб, ҳукуматнинг кон-руда саноатини национализация қилиш ҳақидаги қарори катта аҳамиятга эга, деб қайд қилди. У ҳукумат яқин ойлар ичида нефть саноатини ҳам национализация қилиш тўғрисида декрет чиқаради, деди. Бу чоралар, деб таъкидлади давлат бошлиғи, «Венесуэланинг тақдирида кескин бурилиш ясайди» ва мамлакатнинг чинакам мустақиллиги ҳамда суверенитетини мустаҳкамлашга ёрдам беради. К. А. Перес мактубнинг охирида қўйидагиларни уқтириб ўтди: венесуэлаликлар янги даврга — табиий бойликларни тўла-тўкис ва узил-кесил давлатга қайтариб бериш даврига қадам қўймоқдалар. Ана шу бойликларни кўп миллатли компаниялар кўпдан буён назорат қилиб келган эдилар.

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

ЖАКАРТА, 2 январь. (ТАСС). Индонезия президенти Сухарто СССР билан Индонезия ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида Москвада имзоланган битимлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Сухарто Индонезия билан социалистик мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик янада ривожланади, деб ишонч билдирди. Индонезия ўзаро муносабатларини социал-сиёсий системалардаги тафовутдан қатъий назар бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик ва ҳар икки томон учун манфаатдорлик асосида қурилишини уқтириб ўтди.

СЕКУ ТУРЕНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КОНАКРИ, 2 январь. (ТАСС). Эски ва янги мустамлакачиликка ҳамда империализмга қатъий қарши чиқаётган Гвинея Республикаси жабр-зулмнинг ҳамма формаларига қарши, озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб бораётган Африка халқлари тез орада ва узил-кесил ғалаба қозонишга ишонади. Гвинея Республикасининг президенти Аҳмад Секу Туре бу ерда янги йил муносабати билан халққа қилган мурожаатида шу гапларни айтди.

У Намибия, Жанубий Африка Республикаси, Зимбабведаги ва ирқчилар ҳамда мустамлакачилар зулми остида бўлган бошқа мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракатларини актив қўллаб-қувватлаш ғоят зарур эканлигини яна бир марта таъкидлади. Президент Гвинея-Бисау, Ангола, Мозамбик, Сан-Томе ва Принсипи оролларидаги халқларининг озодлик йўлида эришган муваффақиятларини табриклади ва фаластинлик араб халқининг ҳаққоний ишини қўллаб-қувватлаш зарур эканлигини айтди.

Гвинея халқи, деди А. Секу Туре, янги жамият қурилишида катта муваффақиятларга эришди бу соҳада—Гвинея меҳнат партияси ҳал қилувчи роль ўйнади.

ЙИЛНИНГ ҒОЯТ МУҲИМ ВОҚЕАСИ

ГАВАНА, 2 январь. (ТАСС). Мамлакат матбуоти, радиоси ва телевидениеси КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг 1974 йил январь ойида Озодлик оролига қилган расмий дўстона визитини Кубанинг сиёсий ҳаётида ўтган йили рўй берган жуда муҳим воқеа, деб ҳисоблайди. «Хувентуд Ребельде» газетаси визитнинг тарихий аҳамиятини таъкидлаб, жумладан, қўйидагиларни уқтириб ўтади:

Куба халқи ва унинг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети Бош секретарини қизғин кутиб олдилар ва бу билан Ленин Ватанига нисбатан самимий меҳр-муҳаббат туйғуларини изҳор қилдилар. Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Революцион ҳукумат Бош министрининг биринчи ўринбосари Рауль Кастронинг февраль—март ойларида Совет Иттифоқига ва бошқа бир қанча социалистик мамлакатларга қилган сафари ҳам ўтган йилнинг энг муҳим воқеаларидан биридир.

Наг-Хамади шаҳрида (Юқори Миср) Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техника ёрдами билан Миср Араб Республикасида йирик алюмин заводи қурилмоқда. Комбинат қуриб битказилгач йилига 100 минг тонна енгил метал ишлаб чиқарилади.

Суратда: хомашё сақланувчи бетон цилиндрлар, бош инженер Владимир Флюстиков (ўртада) мисрлик ҳамкасблари билан ишчизмани кўздан кечирмоқда.

А. Судиков фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ

ИСЛОМОБОД, 2 январь. (ТАСС). Покистоннинг шарқий-шимолидаги бориш қийин бўлган тоғли районида 28 декабрдан 29 декабрга ўтар кечаси содир бўлган зилзила қурбонларининг сони 5100 кишига етди. 16 мингга яқин киши жароҳатланди. Бу мамлакатнинг илгари бошқа қисмларидан ажралиб қолган қишлоқларидан бугун олинган хабарлардан маълум бўлиб қолди. Маълумки, зарар курган район орқали ўтадиган бирдан-бир тош йўл бузилиб кетган ва тоғ кўчкилари билан тўсилиб қолган эди. Азият чеккан кишиларга ёрдам берилмоқда. Бахтсизлик рўй берган районга қутқарув ишлари учун ҳарбий қисмлар жўнатилди.

ЯШИЛ АРЧА, ЖОН АРЧА

Қорбобо сўлим пойтахтимиз бўйлаб сайр этмоқда. Бугун у «Баҳор» концерт залига ташриф буюрди. Қувноқ кичкинтойлар ўрмон элчисини завқ-шавққа тўлиб қаршиламоқдалар. Шунингдек, «Баҳор» ансамбли раққосаларининг бой программадаги концертлари ҳам ҳаётимиз чечакларини изҳоятда хушнуд этмоқда.

А. Тўраев фотолари.

ҚИЗИҚАРЛИ СЕМИНАР

Тошкент область партия комитети снёсий маориф уйида «Ахлоқий тарбиянинг актуал проблемалари» бўйича назарий семинар раҳбарларининг тўрт кунлик семинари бўлди.

Машғулотларда Тошкент давлат педагогика институти психология кафедрасининг мудири, психология фанлари доктори, профессор М. Г. Давлетшин, Тошкент Давлат университети доцентлари фан кандидатлари А. В. Евстифеев, П. Д. Рассказов, С. И. Гитлин, М. Арипов, Тошкент алоқа институти фалсафа кафедрасининг мудири, доцент С. Я. Свирский ва бошқалар қатнашди. Олимлар ўз лекция ва докладларида партия пропагандаси ва коммунистик тарбиянинг илмий ва психологик асосларини ёритдилар. Интернационал ва ватанпарварлик тарбияси, коммунистик дунёқарашнинг шаклланишида санъатнинг роли ва бошқа масалаларга доир консультациялар бердилар.

Ш. ТЎЛАГАНОВ,
область партия комитети снёсий маориф уйи консультанти.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ҒОЛИБ

ЛАВҲА

1954 йил. Қиш. Бетидаги чойшабини улоқтирган ой оппоқ қорга бурканган заминга очиқ чеҳра билан назар ташлайди.

Илёс дўстниникида дарс қилгандан сўнг волидасини ёлғиз қолдириб келганини айтиб, йўлга чиқди. Уни биринчи бўлиб ой қаршилади. Ундан кейин эса қиш изғирини «кутиб» олди. Сокинликни этик остидан эшитилаётган «ғарч-ғурч» ва шамолнинг увиллаши бузарди. Шу пайт яна бир овоз тун бағрига тиғ бўлиб қадалди. «Ўлдирсанг ўлдир-у, соатимни бер-майман, бу... онамдан қолган ёлғиз ёдгорлик!!!» Қиз боланинг товуши. Қаёқдан эшитилди?! Илёс бир зум алангламоқ қолди. Сўнг кўзига анҳор бўйида икки шарпа кўринди. Ўша томонга югурди.

— Тўхтанг, орқангиз жарлик... сув... Тўхтанг!

Қиз орқаси билан юриб борар, қаршисида эса кепкасини бостириб олган, барзанги йигит. У Илёсга эътибор ҳам қилмасди. Илёснинг шунча тўхта-тўхтасига қарамай қиз «вой,..о...й» деганча жарликка сирғалиб кетди. Илёс ҳам ўзини ўша томонга отди. Қизни ўз оғушига олган анҳор Илёсни ҳам оқимдан оқимга урди. У ҳеч нарсани сезмас, бутун вужуди аллақачон совуқдан қотиб қолган, шунда ҳам фақат олдинга талпинар, қўлларини олдинга чўзарди. Нима бўлса ҳам қиз бола-ку?! Қайсидир мушфиқ онанинг қизи! Қутқариш керак-ку?! Ана, қизга етиб олди, унинг елкасидан тутган ҳам эди, иккаласи ўқдай отилиб кетишди. Улар Бешёғоч яқинидаги тегирмон новига дуч келишган эди. Нов уларни олдинма-кетин гирдобга олиб келиб урди. Гирдоб ўз вазифасини адо этаётгандек Илёсни учтўрт айлантирди-да чархпалак томонга итқитди. Чархпалак ёрдамида қиргоққа чиққанда, қиз ҳам амаллаб чиққан, сал нарида қор тишлаганча ётарди. Илёс энтикиб-энтикиб қиз томон юрди. Уни елкасига осилтириб эмаклай бошлади. У жардан кўтарилганда бутунлай ҳолдан тойган эди.

...Энди, нима бўлса бўлди, дедида, музлаб қолган пальтосн устига қизни ётқизиб, судрай бошлади...

Воқеа содир бўлган жойдан тахминан бир километр нарида «Тез ёрдам» пункти жойлашган эди. Илёс шу ерга қизни судраб аранг кириб келди-ю, ўзини ташлади.

Кўзларини очганда уни нимагадир ўраб думалатишарди.. Шунда ўшқириб-ўшқириб оқаётган анҳор сувини эслади-ю, яна кўзларини юмди...

Ёмонлик пайида бўлган киши панд емай қолмайди. Тундаги барзанги топилиб жиноий жавобгарликка тортилди. Лекин унинг асорати Илёс Ғиёсовнинг ҳаётида ўчмас из қолдирди.

«Нега бордим, нега ҳам аралашдим?», айрим вақтларда хаёлида гавдаланган бундай фикрга у «инсоний бурчинг, сендан нима қолади, яхшилик» дея ўзига жавоб беради. Кейин кўз олдига касалхона эшиги, ёнида «халоскорим» деганча қучоқлаб юз-кўзларидан ўпган ҳаётга ташна Мавлуда, миннатдорчиликларини қандай изҳор қилишларини билмай кўзларидан севинч ёшлари қалқиган қизнинг отаси ва яқинлари келади. Ўйлари тиниқлашиб, ҳаётидан мамнундек жилмайиб қўяди...

Ўша кезлари Илёс ёш, жисмонан бақувват бўлгани учун шамоллаш унча оғир қўймади. Тез ўтиб кетди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас у Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг география факультетини имтиёзли диплом билан битириб, илмий ишга киришди. Устози катта ўқитувчи В. П. Казанский ёрдамида «Байкал иқлими» устида иш олиб борди.

Иши якунланиб қолай деганда яна бир Байкалга бориб келиш керак бўлди. У 1958 йилнинг баҳорида сафардан қайтди, Келди-ю, ўзини ноқулай сеза бошлади. Кўзлари тиниб, гандираклаб йиқилди.

Шифокорлар касаллик манбаини ўша «қаттиқ шамоллаш»га олиб келиб тақашди. «Шамоллашдан яллиғланиб қолган кўзга кўринмас... мия томирлари бирин узилган». Касаллик тарихи дафтарига шу сўзлар тушди. У бир йил шифтга термулиб ётди. Кўзи хираланиб, бир қўли, бир оёғи ишламайдиган бўлиб қолган эди.

Тузалиб, касалхонадан ўзи юриб чиқди. Аммо энди у кўп ўйламаслиги, илмий ишни тўхтатиб қўйиши лозим эди...

У ўксинмади. Ўксишнига вақт ҳам бўлмади, чунки шонли ишчилар синфига аъзо бўлиб кирди. Уч йилдан ортиқ «Ташсельмаш»да кучиб синади. Сўнгра кўпчиликнинг маслаҳатини олиб, уйига яқинроқ бўлган Тошкент чинни заводига кирди. У бу ерда ўзининг меҳнатсеварлиги, тўғри келган ишдан бўйин товламаслиги, одамохунлиги, продаси мустаҳкамлиги, ишнинг «кўзи»ни тезда аниқлаб олишдаги маҳорати билан кўпчиликка ёқиб тушди. Тез кунда завод ишчиларининг ҳурматини қозонди, Ҳамкасблари олий маълумотли ишчини завод касаба союз комитетининг раиси қилиб кўтаришди. Бу юксак ишонч уни ғайратлантирди. У ана шу ишончни оқлаш мақсадида ишга чинакамгина бел боғлаб киришди. Амо бошида қилич қайраб турган касаллик курашда мағлубиятга учратди. У яна уч ой даволангач, докторлар огоҳлантиришди: «Кейингиси яхшиликка олиб келмайди».

«Одам боласи қоқилиб тушса нима қилибди, ахир у қудуққа думалаб тушган тош эмас-ку» хаёлидан ўтказди. Бугун мағлуб бўлса, эртанги кунига голибликка ишонч билан қаради...

— Коммунист Илёс ака Ғиёсов олиб бораётган иш,— деб ҳикоя қилади завод партия ташкилотининг секретари Файзулла Раҳматуллаев,— заводимиз маҳсулот сифатининг негизидир, Йил давомида 25 миллион донадан ортиқ чинни ишлаб чиқарсак, шунинг ҳаммаси ишчан коммунистнинг қаровидан ўтади. У кишн ўз ишининг ҳақиқий олими. Пиширув цехи печларида 50 позицияни оғишмай назорат қилиб туради. Бундай нозик ишнинг милиметрмилига тўғрилаб олиб боради. Иссиқлик даражаси паст ёки баланд бўлиб қолса, маҳсулот «чеҳрасида» ғадир-будирлар ҳосил бўлади, натижада сифати бузилади. Илёс ака сменасида печкаларнинг бирортасидан сифатсиз маҳсулот чиққанини ҳали ҳеч ким эслай олмайди. Ғиёсов «коммунистнинг бурчи» деб жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. Унинг учун оғир, лекин у ўз ихтиёри билан бу ишларни бажаради. Шунингдек, у ҳозир пиширув цехида партком секретари ҳамдир. У кишининг ташаббуси билан заводда жуда кўп ихтиёрчилик таклифлари амалга оширилди. Биз ҳақли равишда олий маълумотли ишчи Илёс Ғиёсов билан фахрланамиз...

Илёс аканинг ҳаёт йўли, ҳозирги ишчилик фаолиятида совет кишисига хос баркамол фазилатлар, юксак инсонийлик сифатлари мужассам. У тақдирнинг қалтис синовларини енгди, оғир дамларда тўшкунликка тушмай, яшаш, яратиш ишқи билан ёнди. У голиб инсон!

Жаҳонгир МАМАТОВ.

ҲАШАРОТГА ҚАРШИ САРИМСОҚ

Ҳиндистон олимлари саримсоқпиёздан олинадиган эфир мойи таркибидан муҳим бир моддани ажратиб олиш усулини ишлаб чиқдилар. Бу модда ёлғиз ҳолда кимёвий усул билан ажратиб олинганида ундан ҳашоротларни ўлдирадиган заҳар тайёрлаш мумкин экан. Айни чоғда бу заҳар одамлар ва ҳайвонлар учун зарарсиздир.

Олимларнинг айтишича, бу янги топилган модда синтез қилинмоқда, боғларга заҳар етказувчи ҳашорат, бегак тарқатувчи пашшаларни йўқотишда қўл келиши мумкин. Ундан ташқари, бу модда ДДТ ёки заҳарли химикатлар сингари атроф муҳитни ифлосламайди.

БАҲАЙБАТ КАКТУС

Аризона саҳроларида баландлиги беш қаватли уйдай келадиган улкан кактус ўсимликларини учратиш мумкин. Сагуаро деб аталадиган бундай кактусларнинг ёш бутоқларини қуёнлар ейишади, мусичалар эса гули ширасини яхши кўришади, кўршапалаклар улар билан «тириклик» қилишади. Сагуаро емишгина бўлмай ҳайвонлар учун уя вазифасини ҳам ўтайолади. Қизилиштон ўсимлик поясини тумшуғи билан тешиб, кенгайтиради-да, болалари билан шу ерда яшайберади.

ҲАМ ДАРАХТ, ҲАМ ДОРИХОНА

Бир группа европалик агрономлар Замбия ва бошқа Африка мамлакатларида баобаб дарахти плантацияларини ташкил этишни таклиф қилиб чиқишди. Гап шундаки, бу дарахт меваси емишли бўлиб, жуда тўйимли озиқдир. Ундаги оқсил бузоқ гўшти оқсилидан қолишмайди, одам организмида тез ўзлашади ва чарчоқни босади.

Баобаб барглaридан тайёрланган салат ейилса дахт ва цинга касалликларига дучор бўлинмайди, негаки унда кальций тузлари ва қатор дармон-дорилар кўп.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИ

ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ БЎЙЛАБ САМОЛЕТДА, ПОЕЗДДА ВА АВТОБУСДА

Турист — ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА «ЗАКАВКАЗЬЕ» БЎЙЛАБ
15 ЯНВАРДАН 4 ФЕВРАЛГАЧА
«ТОШКЕНТ — ПЯТИГОРСК — ЕРЕВАН — ТБИЛИСИ — БАТУМИ — СУХУМИ — ГАГРА — АДЛЕР — ВОЛГОГРАД — ТОШКЕНТ» маршрути бўйича;

«БОЛТИҚБЎЙИ РЕСПУБЛИКАЛАРИ БЎЙЛАБ»
«ТОШКЕНТ — ХАРЬКОВ — МИНСК — БРЕСТ — ВИЛЬНЮС — КАЛИНИНГРАД — РИГА — ТАЛЛИН — ЛЕНИНГРАД — КУЙБИШЕВ — ОРЕНБУРГ — ТОШКЕНТ» маршрути бўйича;

«ДИЛОРОМ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА САМАРҚАНД ВА БУХОРО ШАҲАРЛАРИГА
24—27 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ ВА 21—24 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ
ПУТЕВКА БАҲОСИГА купейли вагонларда бориб-келиш, ҳар куни вагон-ресторанда уч маҳал овқатланиш, шаҳарлардаги экскурсия хизмати кўрсатиш ҳам киради.

САМОЛЁТДА

10, 20, 30 ЯНВАРЬ, 9 ВА 19 ФЕВРАЛДА
«ТОШКЕНТ — ЛЕНИНГРАД — ТАЛЛИН — ТОШКЕНТ» маршрути бўйича;

16, 31 ЯНВАРЬ ВА 15 ФЕВРАЛДА
ТОШКЕНТ—КИЕВ—ТОШКЕНТ» маршрути бўйича;

25 ЯНВАРЬ ВА 14 ФЕВРАЛДА
«ТОШКЕНТ — ГАГРА — ТОШКЕНТ» маршрути бўйича;

24 ЯНВАРЬ ВА 23 ФЕВРАЛДА
«ТОШКЕНТ—ВИЛЬНЮС—ШЯУЛЯЙ—ПАЛАНГА—ТОШКЕНТ» маршрути бўйича;

25 ЯНВАРЬ ВА 14 ФЕВРАЛДА
«ТОШКЕНТ—КИСЛОВОДСК—ТОШКЕНТ» маршрути бўйича;

21, 24 ЯНВАРЬ, 10 ВА 14 ФЕВРАЛДА
«ТОШКЕНТ — СОЧИ — ТОШКЕНТ» маршрути бўйича самолётлар жўнайди.

ПУТЕВКАЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ОЛИШ МУМКИН.

Справкалар учун адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй, Телефон 32-09-72.

Кейинги йилларда гўзал шаҳримиз янада ўзгариб кетди. Янги хиёбонлар пайдо бўлаяпти, осмонўпар маъмурий ва турар-жой бинолари қад кўтараяпти. Суратда: «Ўзбекистон 50 йиллиги» проспектида қурилган янги бинолардан бири.

М. Нуриддинов фотоси.

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Республикамиз спортчилари ўтган йилда жаҳон, Европа ва мамлакат чемпионатлари ҳамда биринчилик мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, 38 та олтин, 22 та кумуш ва 22 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Аньана бўйича республика спорт комитети спорт федерацияси бўлими йилнинг энг кучли ўн спортчиси ва моҳир тренери номини кўрсатинг деган мазмунда анкета тарқатган эди. Анкета бўйича Узбекистонда хизмат кўрсатган тренерлар Г. Калеткин, Ь. Гранаткин, М. Исмоилов, И. Маркин, В. Васьков, Б. Норкин, В. Манин, В. Соловьев, тренерлар Р. Сайфуллин ва В. Шведов ўтган йил лауреатлари бўлишди.

Спортчилар орасида Р. Рисқиев, С. Ходиев, С. Ғўзиев, С. Қурбонов, М. Ан, В. Дуюнова, В. Мустафоев, И. Йўлдошев, А. Юдин ва А. Волкова юбилей йили лауреатлари деб топилди. Ҳақиқатан ҳам бу спортчилар ўтган йилда эришилган муваффақиятларга айниқса кўп ҳисса қўшган эдилар.

ЧЕМПИОНАТ ТАРТИБИ

Хадемай стадионларнинг кенг минбарлари яна футбол ишқибозлари билан тўлади. Мамлакатимиз футбол чемпионати ва СССР кубоги мусобақалари старт олади. Бу йил олий лигада 16 та команда ўзаро куч синашади. Улар орасида ўтган йили биринчи лига пешқадами бўлган Москванинг «Локомотив» ва Ростов-Доннинг армия спорт клуби командалари ҳам бор.

Бу йил судьяларни назарий ва жисмоний жиҳатдан тайёрлашга алоҳида аҳамият берилади. Февраль-март ойларида судьяларнинг Бутуниттифоқ аттестациясини ўтказишга қарор қилинди. Бундан буён улар учрашувлар ўтказишга қуръа ташлаш йўли билан тайинланадилар.

ФУТБОЛ ОЛАМИДА

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ ЯНГИ ТРЕНЕРИ

Югославиялик 37 ёшли футбол мутахассиси Мирослав Блажевич Швейцария терма командасига тренер қилиб тайинланди. У команданн Европа чемпионатига тайёрлайди.

М. Блажевич илгари «Сараево» ва «Рика» клубларида ўйнаган, кейинги вақтларда эса Швейцариянинг «Сион» командасида ўйновчи тренер эди.

ҲАЛИ НОМАЪЛУМ

Бразилия терма командасининг жаҳон чемпионатидаги муваффақиятсизлигидан кейин Марио Загалонинг тренерлик лавозимидан кетиши аниқ бўлиб қолган эди. Лекин у ҳанузгача маош олиб турган экан.

Матбуот аввалига бу мансабга машҳур футболчи Диди келади, деб хабар берди. Чиндан ҳам энг асосий даъвогар Диди эди. Лекин, бу нарса Бразилия спорт конфедерациясига ким раҳбар бўлишига боғлиқ.

Маълумки, Авеланж ФИФА президенти бўлганидан сўнг спорт конфедерациясининг президенти лавозимидан озод этилди. Ҳозир Бразилия спорт конфедерациясининг президентлигига икки кишининг номзоди курсатилянти. Улар вице-президент Сильвео Пачеко билан истеъфодаги адмирал Эленио Нуньосдир. Вице-президент миллий команда устозлигига Дидини маъқул кўрса, Нуньос «Васко да Гама»нинг ҳозирги тренери, 42 ёшли Гравильнини кўпроқ ёқтиради. «Васко да Гама» мамлакат чемпионатида ғалаба қозонгач, Гравильнинг обрўси яна ҳам ошиб кетди. Бу команда составида бирорта ҳам терма команда ўйнончиси йўқ.

„УМРИМ УЗОҚ БЎЛАДИ“

Кейинги пайтларда Италия терма командаси ва «Ювентус» клубининг дарвозабони Дино Зофф асосан ишқибозлар ва дўстларини ўзининг ҳали ҳам тирик эканлигига «ишонтириш» билан овора.

Матбуот ва телевиденеда Дино Зофф автомобиль ҳалокати натижасида ҳалок бўлди, деб нотўғри хабар берилган эди. Кейин эса бу хатони тузатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Тоқати тоқ бўлган Зофф бу ишга ўзи киришди.

— Энди мен бемалол қўрқмасдан юраверсам ҳам бўлади. Ахир ўлмаган кишини ўлганга чиқарилса, умри узоқ бўлади, дейишади-ку. Мен эса икки кунда икки марта «ўлиб тирилдим,»— деяпти у.

ЎНИНЧИ НОМЕРСИЗ КОМАНДА

«Сантос»нинг «Понте Прета» клуби билан ўтказган сўнгги учрашувидан кейин Пеле бир умрга футбол билан қатъий хайрлашди. Энди клубда умуман ўнинчи номерли ўйинчи бўлмайди. «Сантос» клуби рахбарлари футболдаги дастлабки қадамдан тортиб охирги ўйингача севимли командасини тарк этмаган Пелега миннатдорчилик тариқасида шундай қарорга келдилар. Эндиликда командада ўнинчи номер ўрнига ўн иккинчи номер бўлади.

Шундай қилиб, етук футбол устаси майдонни тарк этди. Пеле 1254 матч ўтказиб, дарвозага 1216 та тўп киритган эди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА 16.40 — ТОШКЕНТ. 18.45 — Қўғирчоқ фильм. 18.55 — «Доре-ми-фа-соль». 19.25 — Бизнес оламида (Москва). 19.50 — «Ахборот». 20.05 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 20.30 — Шеърият мухлисларига. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Янги йилнинг янги марралари. 22.00 — «Вақт». 22.30 Санъат усталари. Тамарахоним. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. 10.05 — Янгиликлар. 10.15 — Кинофильм. 10.45 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 11.30 —Ўқув кўрсатувлари. 18.40 — МОСКВА. Зумрад шаҳар сеҳргари (мультфильмнинг 3-серияси). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қорбобога совғалар. 19.50 — Похол қалпоқча (бадиий фильм). 22.00 — Ҳужжатли кино экрани (Тошкент). 22.30 —Кинопанорама. 24.00 — Балет шинавандаларига. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.40 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4]Іда Боғчасарой фонтани (12.00). Флория Тоска (19.00). 5]Іда Этик кийган мушук (12.00). Корсар (19.00). 6]Іда Спартак (12.00). Травиата (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 4]Іда Аяжонларим (12.00). Бойнла хизматчи (19.30). 5, 6]І да Қароқчилар (12.00, 15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 4]І да Замонали ва Омонали (12.00). Нурхон (19.30). 5]І да Ажаб савдолар (19.30). 6]Іда Ҳонума хоним (12.00). Тошболта ошиқ (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4]І да Ойдин (12.00. 16.00). 5]І да Ташвишланманг, онажон (12.00, 16.00). 6]І да Нон, қон, инсон (12.00. 16.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Цирқда арча. «СЕҲРЛИ КУЛ» янги йил цирк томошалари (10.00, 12.30, 15.00).

КИНО

Егли иш — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ - СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ, «НУКУС», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «МОСКВА, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Париждаги ўғирлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома
БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142,
Р. 03106. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри, Индекс 64634 Б—2462.